



**Tadqiqot uz**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

# 2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



# №22

30 ноябрь

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-1**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2020**



**УУК 001 (062)**  
**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 28 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8. Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11. Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14. Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15. Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17. Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19. Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20. Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21. Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## **22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## **23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Тўрақулова Назира Абдушукур кизи</b> “РАҚАМЛИ ДАЛИЛ”ЛАР.....	7
<b>2. Эсанова Замира Нормуротовна</b> БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ: МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	9
<b>3. Д.Рўзметова, С. Қўчқаров, Г. Қутлимуратова</b> АҲОЛИГА ТўЛАНДИГАН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	14
<b>4. Mavlonov Farhod O‘ktam o‘g‘li</b> HUQUQBUZARLIK VA YURIDIK JAVOBGARLIK.....	16
<b>5. Бурханова Шийрин</b> НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ВА ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ .....	18
<b>6. Raupova Sarvinoz Tolibova</b> OILA, MAKTAB VA MAHALLARDA VOYAGA YETMAGANLAR ORASIDA JINOYATCHILIK VA HUQUQBUZARLIKLARNING KELIB CHIQUISH SABABLARINI ANIQLASH VA ULARNI BARTARAF ETISH MEKANIZMLARI.....	20
<b>7. Мукумов Б.М</b> ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ КАК ОДИН ИЗ СПОСОБОВ «УМНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ» .....	22
<b>8. Азиза Ходжаева</b> ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ФАО АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШИ: АСАЛАРИЧИЛИК АСЛ ҚУВВАТ МАНБАИ СИФАТИДА. ....	25



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### “РАҚАМЛИ ДАЛИЛ”ЛАР

*Тўрақулова Назира Абдушукур қизи*  
*Тошкент давлат юридик университети талабаси*  
*lepetitmasterpiece@gmail.com*

**Аннотация:** Мазкур тезисда электрон кўринишдаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу тезисда электрон кўринишдаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланиш юзасидан хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** тергов, далил, жиноят процесси, электрон маълумот, давлат.

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар жиноятчиликнинг мураккаблашиши ҳамда жиноятчиликнинг сифат жиҳатидан ўзгариши билан қонун устуворлигини ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таққозо этади. Зеро, замонавий жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилиш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш қафолати ҳисобланади.

Жиноят процессуал қонунчиликка мувофиқ, жиноят процессининг муҳим босқичларидан бири бўлган дастлабки тергов жиноят иши кўзғатилганидан кейин то уни судда кўриш учун тайинлашгача бўладиган жиноят процессининг босқичи бўлиб, дастлабки тергов терговчи ва прокурор томонидан жиноят процессуал қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган, жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган фактик маълумотларни тўплаш, текшириш, қайд этиш ва баҳолаш фаолиятидир.

Дастлабки тергов ҳаракатларидан бири бўлган гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ходиса рўй берган жойда текшириш; олиб кўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш каби тергов ҳаракатлари орқали далиллар тўпланади.

Дастлабки тергов органлари томонидан ҳар бир жиноят ишини юритишда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 11-моддасида белгиланган талабларга, шу жумладан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, оғишмай риоя этиш муҳим аҳамият касб этади ҳамда қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади[1].

Маълумки, жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш босқичида далиллар муҳим эга.

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарса ашёвий далил деб ҳамда ашёвий далил сифатида жиноят қуроли, ўзида жиноят изларини



сақлаб қолган нарсалар, жиноий ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиноий йўл билан топилган маблағлар эвазига топилган мол-мулк, пуллар ва бошқа қимматликлар эътироф этилиши белгиланган[2].

Шунингдек, қонун билан тақиқланмаган маълумотлардан нусха кўчирилиб, мазкур маълумотлар эгаси ёки унинг вакилига берилгандан кейин йўқ қилинадиган “ахборот сақлаш воситалари” (телефон аппаратлари, хотира карталари) ашёвий далил сифатида кўрсатиш мумкин.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар сақланувчи ахборот сақлаш воситалари(компьютер, телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалар)ни ашёвий далил сифатида ҳамда “электрон маълумотлар”ни “электрон (рақамли) далил” сифатида баён этиш мумкин.

Ахборот-технологик ёндашувларга асосан “электрон маълумотлар” сифатида компьютер, телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалардаги электрон дастурлар, электрон кўринишдаги хат ва ҳужжат ҳамда аудио ва видео файллари, интернет ва ижтимоий-тармоқлар ҳамда бошқа электрон иловаларни тушуниш лозим.

Шу ўринда, “электрон далил” тушунчасига соҳага оид манбаларга асосланган ҳолда тўхталиб ўтадиган бўлсак, дастурий таъминот хусусиятларига қараб электрон-техник курилма ёки электрон маълумотларнинг бошқа турдаги ташувчиларида автоматлаштирилган ҳолда шакллантириладиган, у ерда мавжуд бўладиган ва сақланадиган, рақамли белгилар ёки сигналлар мажмуаси сифатидаги иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар электрон далиллар сифатида ҳисобланиши мумкин.

Ҳозирги кундаги жиноят-процессуал амалиётда исбот қилиш босқичининг далилларни тўплаш йўналишида “электрон маълумотлар” кўринишидаги далилларни тўплаш бўйича кўздан кечириш ва олиб қўйишдан ташқари муайян бир тергов ёки суд ҳаракатлари мавжуд эмас.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда электрон далилларни қўлга киритиш усуллари ва уларни электрон далил деб тан олиш ҳамда жиноят ишига қўшиш процессуал ҳаракатларни белгиловчи нормалар ишлаб чиқилмаган.

Илмий манбаларда, қуйидаги далиллар кўринишидаги электрон маълумотлар далилий аҳамиятга эга эканлиги изоҳланган, яъни: тергов ҳаракатлари баённомалари, бошқа ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва кўрсатувлар[3].

Терговчи ва суд ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассис ёки эксперт иштирокида электрон-техник курилмани ва бошқа электрон маълумотларни ташувчи воситаларни аниқланган жойида электрон ахборотни сақлаш ва олишнинг самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда кўздан кечиради.

Шу билан бирга, электрон маълумотларни кўздан кечириш вақтида масофадан туриб, электрон-техник курилма, компьютер тармоқлари ёки электрон ташувчилардан фойдаланган ҳолда электрон далил сифатида қўлга киритилиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жамият ҳаётининг барча соҳаларига рақамли технологиялар жорий этилаётган вақтда, соҳа оид қонунчиликда ҳам рақамли далилларга оид нормаларни жорий этилиши, тергов органларининг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишда ва электрон жиноятлар билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларини камчиликларсиз олиб боришга ёрдам беради.

#### Иқтибослар/Сноски/ References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (National database of legislation of the Republic of Uzbekistan, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) )
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (National database of legislation of the Republic of Uzbekistan, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) )
3. Қаранг: Калиновский К.Б., Маркелова Т.Ю. Доказательственное значение «электронной» информации в российском уголовном процессе // Российский следователь. 2001. № 6. С. 18-19. (Looking: Kalinovskiy KB, Markelova T.Yu. Evidence value of “electronic” information in the Russian criminal process // Russian investigator. 2001. No. 6. p. 18-19)



## БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ: МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ-ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Эсанова Замира Нормуратовна  
Тошкент давлат юридик  
университети профессори  
zamira.esanova@mail.ru  
телефон: 90/ 9113838*

**Аннотация:** Ушбу мақолада оилавий низолардан бири бўлган бола (лар)нинг насл-насабини белгилашга оид масалаларнинг моддий ва процессуал жиҳатлари, бундай тоифадаги ишларнинг турлари, ишнинг тааллуқлилиги ва судловлиги, иш бўйича исботлаш ва далиллар, ишни судга қадар ва судда қўриш хусусиятлари, иш бўйича суд қарорлари чиқариш ва унинг ижросига доир назарий қоидалар, амалий мушоҳадалар, илмий таклиф-тавсиялар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** оталик, болалик, оталикни белгилаш, оталик фактини белгилаш, оталикка эътироз билдириш, исботлаш ва далиллар, ҳал қилув қарори.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бола (лар)нинг насл-насабини белгилашга оид нормалар долзарб аҳамият касб этади. Чунки боланинг насл-насабини, унинг авлод-аждодини билиш, исм-шарифини, туғилиш вақти ва ҳудудини, фуқаролигини тўғри белгилаш ҳам муҳим ва зарурий ҳаракатлардан бири саналади.

Давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири – оилани мустаҳкамлаш, оила субъектларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш билан бирга, оилада камол топаётган болаларнинг бахтиёр болалигини таъминлаш, уларни тўлиқ ва баркамол оила шароитида вояга етишига шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган.

ФХДЁ ва суд амалиёти таҳлилларига эътибор қаратсак, ўтган уч йилда республикамизда болаларнинг насл-насабини белгилашга оид далолатнома ёзувлари ва суд қарорлари деярли ошмаган. Чунки ушбу йилларда жойларда аҳоли билан юзма-юз учрашувлар, манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, фуқароларнинг мурожаатларини тезкорлик асосида ҳал қилиш, бундан ташқари хотин-қизлар масалалари билан ишлаш тузилмалари, собиқ Оила илмий-амалий тадқиқот марказининг жойлардаги тузилмалари, Давлат хизматлари марказлари фаолияти, аҳоли орасида фуқаролик ишлари бўйича сайёр судларнинг ўтказилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини нечоғли юксалтиришга, никоҳларини қонуний асосда расмийлаштиришга, эр-хотиннинг никоҳ давомидаги муқий ва номулкий ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлаш мақсадига хизмат қилди.

Фуқаролар ўртасида қонуний никоҳсиз оила қуриш, қўш хотинлик, жиддий сабабларсиз никоҳнинг тугатилиши (никоҳдан ажралиш, никоҳни бекор қилиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, мулкий ва номулкий характердаги эр-хотин ўртасидаги низолар) билан боғлиқ ишларнинг ортиб бориши ва аҳоли ўртасида оилавий муносабатларга ва унинг ҳуқуқий оқибатларига беписандлик ва масъулиятсизлик билан қараш ҳолатлари бу борадаги низоларнинг тобора кўпайиб кетишига олиб келди.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларга оид нормалар ичида оталикни белгилаш тўғрисидаги масалалар оила ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Оила қонунчилигида оталикни белгилаш масаласи ўзаро никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида бола туғилиши ва унга нисбатан насл-насаб белгиланиши муносабати билан вужудга келади. Одатда оталик тушунчаси негизида биологик ва юридик асослар мавжуд бўлиб, улар биргаликда оталикни белгилаш муносабатларини вужудга келтиради. Оила кодекси нормаларига биноан оталикни белгилаш деб ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болага нисбатан қонунда белгиланган тартибда ФХДЁ ёки суд органларида насл-насабнинг белгиланишига айтилади.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва илмий манбаларга биноан болаларнинг насл-насабини белгилашга оид ишлар (низолар) қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- Оталикни белгилаш
- Оналикни белгилаш



- Оталикка эътироз билдириш
- Оталик фактини белгилаш
- Оналик фактини белгилаш.

Амалиёт материаллари таҳлилларига кўра, ФХДЁ ва судда асосан оталикни белгилаш, оталикка эътироз билдиришга оид ишлар кўрилади.

Бошқа фуқаролик ишлари каби оила ҳуқуқига оид муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг тааллуқлилиги ҳам субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шаклларини ўзида ифодалайди. Бундай туркумдаги ишларнинг тааллуқлилигининг умумий қоидалари Фуқаролик процессуал кодекси нормалари асосида, махсус қоидалари эса Оила кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Бинобарин, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича Оила кодексига назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-моддаси).

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг энг асосий шакли – бу низоларнинг суд ваколатига тегишли эканлигидир. Лекин шу билан бирга оила ҳуқуқига оид муносабатлардан келиб чиқадиган масалалар ФХДЁ органларида (никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш ва ундаги хатоликларни тузатиш) васийлик ва ҳомийлик органларида (болалар тарбияси билан боғлиқ ишлар, васийлик ва ҳомийликни тайинлаш ва бекор қилиш ва бошқалар) ҳам ҳал қилинади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги ФХДЁ органига ва судга тааллуқли ишлар деб туркумланади.

Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, у ҳолда қонуний вакили) томонидан биргаликда берилган аризаси ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида ФХДЁ органида амалга оширилади.

Оила кодексининг 61-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилганда, оталик онанинг ва ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг биргаликдаги аризасига мувофиқ (боланинг онаси вафот этган, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, унинг яшаш жойини аниқлаш имкони бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда — ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг аризасига мувофиқ) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан белгиланади.

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги талаб қайси органга, яъни ФХДЁ органига ёки судга ёхуд суднинг қайси иш юритиш тоифасига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, оталикни белгилаш тўғрисида иш қўзғатиш учун ягона асос бу - боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида расмийлаштирилган никоҳнинг бўлмаслигидир. Бошқа ҳолатлар эса, оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни даъво ёки алоҳида иш юритиш тартибда кўриб чиқилишига турлича таъсир қилади. Масалан, боланинг 1968 йил 1 октябргача ёки ундан кейин туғилганлик вақти даъво тартибида иш юритишга имкон берса, алоҳида тартибда иш юритишда эса ушбу сана оталикни тан олиш ва оталик фактларини белгилашга сабаб бўлади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги талаб қайси органга, яъни ФХДЁ органи ёки судга ёхуд суднинг қайси иш юритиш турига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, оталикни белгилаш тўғрисида иш қўзғатиш учун ягона асос бу-боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида ФХДЁ органида қайд этилган никоҳнинг бўлмаслигидир. Бошқа ҳолатлар эса, оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни даъво ёки алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқилишига турлича таъсир қилади. Масалан, боланинг 1968 йил 1 октябргача ёки ундан кейин туғилганлик вақти даъво тартибида иш юритишга имкон берса, алоҳида тартибда иш юритишда эса ушбу сана оталикни тан олиш ва оталик фактларини белгилашга сабаб бўлади.

ФХДЁ органига оталикни белгилаш тўғрисида ариза берувчи субъектлар сифатида ота-онани, вояга етмаган ота-онанинг ота-онаси ёки қонуний вакили, муомалага лаёқатсиз отанинг ҳомийсини кўрсатиш мумкин.



Шунингдек, ФХДЁ органида отанинг якка аризаси асосида оталикни белгилашга қуйидаги ҳолатларда, яъни она вафот этганда; она суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда; онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти ёки унинг яшаш жойини белгилашнинг имконияти бўлмаганда; она оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда йўл қўйилади:

Оила кодексининг 61-моддасига кўра, ФХДЁ органида туғилишни қайд этиш китобига қонуний никоҳда бўлмаган болаларнинг насл-насабини ёзиш қуйидаги асосларга кўра:

- ◆ вояга етган ота-онанинг биргаликда берган аризаси;
- ◆ вояга етмаган ота-она қонуний вакилининг берган аризаси;
- ◆ отанинг якка аризаси;
- ◆ ота ҳомийсининг якка аризаси;
- ◆ оталикни белгилаш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

Оталикни суд йўли билан белгилашнинг даъво ва алоҳида иш юритиш тартибига оид тоифалари бир-биридан ўзига хос бўлган процессуал ва моддий-ҳуқуқий оқибатлари билан фарқланади. Булар ўртасидаги фарқлар судга мурожаат қилиш шартлари, исботлаш предмети ва иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарорининг мазмунида янада яққол кўринади.

Одатда судья оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишини кўзғатиш жараёнида нафақат мазкур талабнинг судга тааллуқлилигини, балки процессуал аҳамиятга эга бўлган мавжуд ҳолатларни текшириб, ушбу талаб оталикни судда белгилашнинг қайси тоифасига киришини аниқлайди. Ушбу ҳолатлардан баъзи бирлари оталикни белгилаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг асосий шартлари сифатида кўринса, баъзи бирлари талабнинг қайси тоифага киришини чегаралайди. Масалан, низонинг мавжудлиги, тарафлар томонидан ФХДЁ органига биргаликдаги аризининг берилмаганлик факти, ишни даъво тартибида кўриб ҳал қилишга хос бўлса, боланинг фараз қилинган отасининг вафот этганлик факти ишни алоҳида тартибда иш юритиш тоифасига киришини яққол кўрсатади.

Даъволи ишларни судга тааллуқлигининг умумий қоидаларига асосланган ҳолда оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқли эканлигини қуйидаги шартларда кўриш мумкин:

- ◆ боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида ФХДЁ органида қайд этилган никоҳнинг мавжуд эмаслиги;
- ◆ боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўрта-сида ФХДЁ органига биргаликда топширилган аризининг бўлмас-лиги;
- ◆ оталиги тахмин қилинаётган шахснинг оталикни тан олганлик ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган аризасининг бўлмаслиги;
- ◆ боланинг асослар амалга киритилгандан кейин, яъни 1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган бўлиши;
- ◆ оталиги тахмин қилинаётган шахснинг ҳаёт эканлиги.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг даъволи ишлар туркумига мансублигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 33-моддасига асосан, умумий қоида бўйича жавобгарнинг доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойидаги судга берилади. Агар жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг охириги яшаш жойидаги судга мурожаат қилинади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 34-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ҳамда соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик ёхуд боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни ўзи яшаб турган жойдаги судга ҳам тақдим этиши мумкин ва судловлиликнинг бундай шакли муқобил (альтернатив) судловлилик деб юритилади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўриш даъво кўзғатиш ва алоҳида иш юритиш тартибида амалга оширилади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни даъво кўзғатиш тартибида судда кўриб ҳал қилиш учун қуйидаги **махсус шартлар**нинг бўлиши талаб этилади:

- 1) боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида ФХДЁ органларида қайд этилган никоҳнинг мавжуд эмаслиги;
- 2) боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўр-тасида оталикни бел-



гилаш тўғрисида биргаликдаги аризанинг мавжуд эмаслиги;

3) оталиги тахмин қилинаётган шахснинг ҳаёт эканлиги;

4) она вафот этганда, она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда, она оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган аризасининг бўлмаслиги;

5) боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганида ота ҳомийсининг васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган аризасининг бўлмаслиги;

Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишини даъволи иш тартибида кўриб чиқишдан ташқари, алоҳида иш юритиш тартибида кўриб ҳал қилишга ҳам йўл қўйилади. Чунки амалдаги Оила кодексининг 62-моддаси тўртинчи қисмида боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкинлиги таъкидланган бўлиб, одатда бундай туркумдаги ишларни фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари асосида юридик аҳамиятга эга бўлган факт сифатида кўриб ҳал қилинади.

Оталикни тан олиш ёки оталик фактини белгилаш аризачига қариндошлик, қарамоғида бўлганлик, меросга бўлган ҳуқуқни белгилаш, боқувчисини йўқотганлик туфайли нафақа олиш каби яна бошқа фактларни белгилашга имкон туғдиради.

Алоҳида тартибда иш юритишда ҳам даъво тартибида иш юритишдагидек, фуқаролик процессининг иш қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, суд муҳокамаси, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқариш каби босқичларидан ўтилади. Лекин шу билан биргаликда алоҳида тартибда иш юритишга оид баъзи хусусиятлар ҳам борки, уларга низонинг мавжуд эмаслиги ҳамда низолашувчи тарафлар, учинчи шахсларнинг бўлмаслиги, иш бўйича манфаатдор шахсларнинг қатнашуви, шунингдек низо йўқлиги сабабли даъволи тартибда иш юритишга хос яна бошқа институтларнинг, чунончи даъвони тан олиш, даъводан воз кечиш, иш бўйича келишув битими тузиш, қарши даъво бериш, даъвони таъминлаш масалаларининг бўлмаслиги назарда тутилади.

Қонунчиликда алоҳида иш юритиш тартибида оталикни белгилашнинг оталик факти ва оталикни тан олиш факти каби турлари кўрсатиб ўтилган.

Оталикни тан олиш фактини алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқиш учун қуйидаги шартлар бўлиши талаб этилади:

◆ боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида ФХДЁ органларида қайд қилинган никоҳнинг мавжуд эмаслиги;

◆ оталиги тахмин қилинаётган шахснинг вафот этганлиги;

◆ оталиги тахмин қилинаётган шахс ҳаётлигида болани тан олган бўлиши;

◆ боланинг оталиги тахмин қилинаётган шахс қарамоғида бўлганлиги;

◆ боланинг 1968 йил 1 октябригача туғилган бўлиши.

Оталик фактини белгилашга доир шартлар қуйидагилардан иборат:

◆ боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахс ўртасида ФХДЁ органларида қайд қилинган никоҳнинг мавжуд эмаслиги;

◆ оталиги тахмин қилинаётган шахснинг вафот этганлиги;

◆ боланинг онаси билан оталиги тахмин қилинаётган шахснинг бола туғилишига қадар бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритган бўлиши ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганлиги ённки оталикни тан олганликни тасдиқловчи бошқа далилларнинг бўлиши шартлиги;

◆ боланинг 1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган бўлиши.

Алоҳида иш юритиш тартибида оталикни белгилаш хусусиятларидан бири – бу жавобгарнинг (оталиги тахмин қилинаётган шахснинг) вафот этганлик факти ҳисобланади. Уларнинг судда кўрилишида бир – биридан фарқ қилади, яъни судга мурожаат қилиш учун бўлган ҳуқуқ асослари, исботлаш предмети, суд қарори ҳам турлича бўлади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент: Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. Расмий нашр, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. Расмий нашр, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарори.
6. Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби / Х. Ёдгоров [ва бошқ.] –Тошкент : Vaktoria press, 2016. – 224 б.
7. Фуқаролик ишлари бўйича судларда экспертиза тайинлаш хусусиятлари Амалий қўлланма. — Тошкент : Vaktoria press, 2017. – 208 б.
8. Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти. Амалий қўлланма. –Тошкент. 2017. – 273 б.



## АҲОЛИГА ТЎЛАНДИГАН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

*Д.Рўзметова Хоразм вилояти юридик техникуми  
“Ҳуқуқ” фани ўқитувчиси:  
С. Қўчқаров, Г. Қутлимуратова  
Хоразм вилояти юридик техникуми талабалари*

**Аннотация:** Ушбу мақолада фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясининг амалга ошириш асослари ва шакллари кенг тарзда ёритиб берилган бўлиб, бу борадаги қонунчиликдаги янгиликлар ҳам ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, кам таъминланганлик тушунчаси, нафақа пули, моддий ёрдам, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп болалали оила, энг кам ойлик иш ҳақи

Юртимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотларнинг асоси аҳолининг моддий турмуш шароитини яхшилаш борасида кўпгина қонунчилик асосларини яратилишида намоён бўлмоқда. Хусусан, бош қомусимизнинг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас” деб қатъий белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда 2013 йил 15 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 44-сонли “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги қарори билан низом тасдиқланган. Ушбу низомга 2020 йил 21 майда тегишли тузатишлар киритилди. Бунга кўра нафақа ва моддий ёрдамнинг қуйидаги турлари белгиланган.

- болали оилаларга, яъни 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа;
- бола парвариши бўйича нафақа, яъни бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа;
- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Ушбу нафақа ва моддий ёрдам ажратилишида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланадиган оиланинг ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик жами даромади ўртача ойлик МҲЕКнинг 52,7 % изидан кўп бўлмаслиги кераклиги ҳисобга олинади (мурожаат қилинган ойдан олдинги охирги 3 ой учун). Фуқаролар йиғинин томонидан эҳтиёжманд деб топилган оила нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга:

Ота – онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан қариндошлар шуғулланаётган оилалар;

ота- оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эр);

ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар;

болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбияланаётган оналар (оталар);

ота – оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

ёлғиз пенсионерлар.

Нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимо яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг ариза асосида тайинланади. Маҳсул комиссия ариза берувчининг яшаш жойига чиққан ҳолда оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолати ўрганиб чиқади.

Нафақа ва моддий ёрдамлар маҳаллий бюджетлар маблағлари ва бюджетдан ташқари



манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналарнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр – эҳсонлари ва бошқалар) ҳисобидан, фуқаронинг яшаш жойи бўйича Халқ банки филиали махсус кассаси ёки уларнинг хоҳишига кўра пул маблағларини фуқароларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкнинг филиали орқали тўланиши белгилаб қўйилган. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга берилади. Бола парвариши бўйича нафақа эса 12 ойга тайинланиши мумкинлиги ушбу низомда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 31 январдаги 5930–сон фармонида мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги 327–сон қарори ҳам чиққан. Аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламлари ҳимоялаш борасида ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисида қонунчиликда янгиликлар қилинмоқда. Хусусан пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978–сон Фармони ижроси юзасидан “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 307–сонли қарори билан тегишли тузатишлар киритилди. Ушбу қарор билан маҳаллаларда ижтимоий нафақаларни олиш тартиби соддалаштирилди. Яъни ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатларни камайтириш ҳамда алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш каби янгиликларни йўлга қўйиш назарда тутилган.

Республикамызда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни камайтириш пандемия инқирозига қарши курашиш дастури қабул қилинган бўлиб, бунда ҳам ушбу қатламнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг манфаатлари устивор ҳимоя қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Конституция: 2019 й.- 19 ,бет
2. Конституциявий ҳуқуқ атамаларининг изоҳли луғати . Муаллиф: Озод Тиллабоевич Хусанов -2015 й.- 63 бет
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарори 2013 йил 15 февраль



## HUQUQBUZARLIK VA YURIDIK JAVOBGARLIK.

*Mavlonov Farhod O'ktam o'g'li*  
*Xorazm viloyati Urganch tumani*  
*5-umumiy o'rta ta'lim maktabi*  
*Davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi*  
*Telefon raqami: 99 508 61 06*

**Annotatsiya.** Huquqbuzarlik deganda, jamiyat uchun xavfli bo'lgan qilmish (harakat yoki harakatsizlik) tushuniladi. Bunday qilmish qonun bilan muhofaza qilinadigan ijtimoiy munosabatlarga zarar yetkazishi yoki zarar yetkazish xavfini tug'dirishi mumkin.

**Kalit so'zlar.** Huquqbuzarlik, harakat, harakatsizlik, ijtimoiy xavfilik, norma, yuridik javobgarlik, davlat organi, fuqaroviy-huquqiy javobgarlik.

Huquqbuzarlikning asosiy belgilari quyidagilardan iborat: ijtimoiy xavfilik; huquqqa zidlik; ayblilik; jazolanish. Ijtimoiy xavfilik shundan iboratki, bunda huquqbuzarlik jamiyatning qadriyatlariga tajovuz qiladi, xususiy va ijtimoiy manfaatlarni poymol etadi. Huquqbuzarlikning zararliligi yoki xavfililigi shundan iboratki, u jamiyat hayotining maromiga salbiy ta'sir etadi. Huquqqa zidlik — huquqbuzarlikning ikkinchi belgisi. Bu o'rinda gap qilmish oqibatida qonunning, muayyan huquqiy normaning buzilishi to'g'risida bormoqda. Boshqacha aytganda, huquqbuzar qonunda yoki huquq normasida belgilab qo'yilgan taqiqni buzadi. Agar bunday taqiq bo'lmasa, huquqbuzarlik ham boyimaydi. Qonun kengaytirilgan holda yoki analogiya bo'yicha talqin etilishi mumkin emas. Ayblilik — huquqbuzarlikning uchinchi belgisi. Huquq normasini yuridik javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo'yigan shaxs buzadi va shaxs bu harakatni qasddan yoki ehtiyotsizlik oqibatida sodir etadi. Ayb — shaxsning o'zi sodir etgan huquqqa xilof harakatiga va uning zararli oqibatlariga ruhiy munosabati. Qariyb har doim inson oldida huquqqa mos yoki huquqqa zid tarzda harakat qilishni tanlash imkoni bo'ladi. Agar u ikkinchi yo'lni tanlasa, huquqqa xilof qilmishni aybli tarzda sodir etgan, deb hisoblanadi. Balog'at yoshiga yetmaganlar yoki aqli noraso deb topilgan shaxslar sodir etgan qilmish (huquqqa zid bo'lsa ham) huquqbuzarlik bo'lmaydi. Baxtsiz hodisa, tasodif natijasida, biron kimsaga aybsiz zarar yetkazish hodisasi ham huquqbuzarlik emas. Huquqbuzarlikning to'rtinchi belgisi — jazolanish. Bu ma'lum huquqbuzarlik uchun uni sodir etgan shaxsning vakolatli davlat organi tomonidan javobgarlikka tortilishini bildiradi. Bu javobgarlik huquqiy normaning sanksiyasida ifodalanadi. Ba'zi hollarda shaxs qonunga binoan javobgarlikdan ozod etilishi ham mumkin. Lekin buni ham vakolatli davlat organi amalga oshiradi. Huquqbuzarliklar qonunchilikning qaysi sohasiga tegishliligiga qarab, bir qancha turlarga bo'inadi. Huquqbuzarlikning quyidagi turlarini keltirish mumkin: - fuqarolik-huquqiy (majburiyatni bajarmaslik, moddiy zarar yetkazish); - ma'muriy (mayda bezorilik, yo'llarda harakatlanish qoidalarini buzish va hk.); intizomiy (ishga kelmaslik, kech qolish); - jinoiy, ya'ni jinoyatlar (odam o'ldirish, o'g'rilik, militsiya xodimiga qarshilik ko'rsatish va boshqalar). Huquqbuzarlikning turiga qarab davlat majburlov choralari ham o'zgarib turadi. Ularning eng og'irlari jinoyat sodir etilganda qo'llaniladi. Yuridik javobgarlik, ijtimoiy javobgarlikning boshqa shakllaridan farqli ravishda, doimo huquq normalariga asoslanadi va davlat majburlov normalari bilan bog'liq bo'ladi. Yuridik javobgarlik — huquqbuzarlikning huquq normalariga asoslangan va huquqbuzarlik faktidan kelib chiqadigan qilmishi uchun javob berish va davlat majburlov choralari shaklidagi noxush oqibatlariga chidash majburiyati hamda shunday oqibatlarga haqiqatan duchor bo'lishidir. Huquqbuzarlikning har xil turlari turli xil yuridik javobgarlikka olib keladi. Masalan, fuqarolik huquqbuzarligi (majburiyatni bajarmaslik) — fuqaroviy-huquqiy javobgarlikka (zararni qoplash), ma'muriy huquqbuzarlik (yo'llarda harakatlanish qoidalarini buzganlik) — ma'muriy javobgarlikka (jarima, transport vositasini boshqarish huquqidan mahrum etishga) olib keladi. Jinoiy huquqbuzarlik, ya'ni jinoyat esa jinoiy javobgarlikka olib keladi (unga nisbatan ozodlikdan mahrum etishgacha bo'lgan jazo qo'llanishi mumkin). Yuridik javobgarlik ikki asosiy shaklda — sud tartibida va ma'muriy tartibda amalga oshiriladi. Jinoiy javobgarlikni amalga oshirishning sud tartibi huquqbuzarga nisbatan faqat vakolatli davlat organi nomi bilan sud tomonidan jazo qo'llanilishini bildiradi. Ushbu sud tartibi fuqaroviy-huquqiy javobgarlik uchun xos, jinoiy javobgarlik uchun esa majburiydir. Yuridik javobgarlikning ikki turi farqlanadi: jarima yoki jazo; huquqni tiklovchi javobgarlik.



Jarima jazosi m a 'muriy yoki intizomiy xato jinoyatlar uchun qo'llaniladi. Javobgarlikning ushbu turiga xos xususiyat shundan iboratki, u faqat protsessual shaklda amalga oshiriladi hamda tegishli vakolatlarga ega davlat organlari va mansabdor shaxslarning hujjatlari bilan belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Islomov Z. Davlat va huquq: umumnazariy masalalari. — T.: «Adolat», 2000.
2. Zokirov I.B. Fuqarolik huquqi. Darslik. 1 qism. — T.: «Adolat», 1996.
3. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)



## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ВА ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Бурханова Шийрин*

*Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни амалга оширишнинг ўзига ҳос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ҳуқуқни қўллаш самарадорлиги ва унинг ҳаётга татбиқ қилиниши ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқ, актлар, қонун ҳужжатлари, жамият, ҳуқуқ ижодкорлиги.

Бугунги кунда ҳаёт суръатларининг жуда тез даражада ўсиши даврида жамият ҳаётини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва уларнинг таъсири ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқиш фаолиятини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқ ижодкорлиги тартибининг самарали шакллантирилганлиги билан белгиланади.

Шу ўринда, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаб утганидек: «Ҳар бир қонун ёки қарорнинг яратилиши соҳадаги мавжуд муоммоларни чуқур таҳлил етишни, хорижий илгор тажрибаларни ўрганишни, бир сўз билан айтганда, машаққатли меҳнатни талаб этади. Ҳар қандай қонун ҳужжатини қабул қилишдан пировард мақсад - халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш эканини унутмаслигимиз зарур» [1].

Бизга маълум, ҳуқуқни амалга ошириш ҳуқуқ нормаларига каътий амал қилиш, улардан фойдаланиш, ҳуқуқ нормаларидаги талабни ижро этиш ва ҳуқуқни қўллаш шакллари бўлган таркибий қисмлардан иборат.

Бу ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев «Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик курсатмаса, ислоҳатларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш кийин булади», деб айтиб ўтган эдилар [2].

Давлатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни, уларнинг ваколатли шахслар томонидан ҳаётимизга татбиқ этишларида билинади. Ҳуқуқшунос олим З.М.Исломов ҳуқуқни қўллаш борасида шундай таъриф берган: «Ҳуқуқни қўллаш акти - бу давлат-ҳокимият хусусиятига эга, индивидуал-белгиланган ҳужжат булиб, у ваколатли субъект томонидан субъектив ҳуқуқлар ёки юридик мажбуриятлар мавжудлиги ёки йуклигини аниқлаш ҳамда тегишли ҳуқуқий нормалар асосида ва уларнинг норматив амалга оширилиши манфаатини қўллаб улар мезонини белгилаш мақсадида муайян иш юзасидан тузилади» [3]

Шунингдек, ҳуқуқшунос Р.Р.Палеханинг ёзишича, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари - реал ҳаётий ҳолатлар ва уларнинг юридик квалификация уз аксини топган

Россиялик ҳуқуқшунос олими Л.А.Морозова ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қуйдагича келтириб ўтган:

1. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятига кўра ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи актлар. Ижро этувчи (ҳуқуқ белгиловчи) актлар субъектларнинг ҳуқуқий ҳуқ атвори билан боғлиқ аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келишини тасдиқлайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи актлар профилактика мақсадида ёки ҳуқуқбузарлик натижасида чиқарилади. Масалан, тергов, суд, прокуратура органларининг актлари.

2. Ҳуқуқни қўллаш субъектларига кўра давлат бошлиғининг актлари ва давлат бошқаруви актларига бўлинади.

3. Шаклига кўра президентнинг норматив хусусиятга эга бўлмаган фармонлари, фармоишлари ва бошқалар.

4. Қубул қилиш усулига кўра актлар коллегиял ва индивидуалга бўлинади.

5. Ҳуқуқий аҳамиятига кўра ҳуқуқни қўллаш актлари асосий ва ёрдамчи актларга бўлинади. Асосийларга одатта судларнинг қарорлари, ҳукмлари, ижтимоий таъминот органининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори кабилар киради. Ёрдамчи актларга эса воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш, тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисида суд қарори, давони таъминлаш учун мулкни тақиққа олиш кабиларни киритиш мумкин.



6. Ҳуқуқни қўллаш қарорини ифодалаш усулига кўра актлар қуйдагиларга бўлинади:

А) Актлар – ҳужжатлар:

Б) Актлар – ҳаракатлар (масалан гувоҳнисуд залидан чиқариб юбориш)

В) Актлар белгилар (йўл белгилари, тақиқловчи ҳудудни белгилаш)

Ушбу ўринда акт – ҳаракатларга чорраҳада турган йўл патрул хизмати ходимининг махсус чироқ орқали ҳаракати йўловчи ва транспорт воситалари учун юридик аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтиш жоиз [4].

Ушбу келтириб утилган фикр-мулоҳозалар асосида ҳулоса қилиб, ҳуқуқ давлат томонидан урнатилиб, унинг ҳаётга татбиқ қилиниши лозим. Ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни – ижтимоий муносабатларни тартиблаштириш натижасида жамиятимизда барқарорлик ва адолат урнатишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод - буюк келажакнинг, тadbirkor халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараккиётнинг кафолатидир. / <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018> ( Mirziyoyev Sh. M. A well-developed generation is the Foundation of a great future, the creative work of the people is the Foundation of a prosperous life, and friendship and cooperation are the guarantee of prosperity/ <https://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>)

2. Мирзиёев Ш.М Конституция ва қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятнинг энг муҳим мезонидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза ( Mirziyoyev Sh. M. The Constitution and the rule of law are the most important criteria of a democratic state and civil society // Speech at the ceremony dedicated to the 27th anniversary of the Constitution of the Republic of Uzbekistan) / <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iydemokratik-davlat-v-07-12-2019>.

3. Ҳусанбоев.О.О Ҳуқуқни амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг тутган ўрни ва уларнинг хусусиятлари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2020-05. Khusanbaev O.O. The role and features of law enforcements acts realization of law. Journalof law research 2020. 5vol

4. Палеха Р.Р. Природа правоприменения как особой формы реализация права: Автореф.. дисс.канд.юрид.наук. - Елец, 2006. - С.10 (Palekh R.R. The nature of law enforcement as a special form of realization of law: Author ... diss. Cand.legal sciences. Yelets, 2006. — P.10).

5. Пўлатова Н.С. Юридик воситалар – ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий элементи сифатида. Ўзбекистон ижтимоий фанлар. –Тошкент:2009-№3-4.-Б. 87 (Pulatova N.S. Legal means as a component of the mechanism of legal regulation // social sciences in Uzbekistan. – Tashkent 2009.-№3-4. -87) (4)



## OILA, MAKTAB VA MAHALLARDA VOYAGA YETMAGANLAR ORASIDA JINOYATCHILIK VA HUQUQBUZARLIKLARNING KELIB CHIQUISH SABABLARINI ANIQLASH VA ULARNI BARTARAF ETISH MEKANIZMLARI

*Raupova Sarvinoz Tolibova*  
*Siyob Abu Ali Ibn Sino Jamoatchilik Salomatligi*  
*Texnikumi Yoshlar yetakchisi*  
*+998915313833*  
*Sara-8810@mail.ru*

**Annotatsiya:** Hozirgi davrda voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi to'g'risida yetarli darajada statistik materiallar to'plangan va uni tahlil qilishning usullari ishlab chiqilgan. Bularning barchasi voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining ahvolini to'g'ri baholash, undaga miqdor va sifat ko'rsatkichlaridagi (strukturasi va boshqa ko'rsatkichlarini ham) o'zgarishlarni bilish imkonini beradi. Ayrim vaqtlarda alohida hududlardagi jinoyatchilikning miqdor va sifat ko'rsatkichlarida, shuningdek, jinoyat sodir etuvchi shaxslar va turli xil jinoyatlar tarkibida aniq bo'lmagan ma'lumotlar bo'lishiga qaramay voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining aniq ahvolini bilish imkoniyati bor. Umuman O'zbekistonda jinoyat statistikasi ma'lumotlariga ko'ra, aniqlangan jinoyat sodir etgan voyaga yetmagan shaxslarning jinoyatchiligi 1990-yilgacha nisbatan bir tekisda, ya'ni har besh yilda 48 foizga o'sib kelgan. 1991-yildan bunday tendentsiyada jiddiy o'zgarish yuz berdi. Voyaga yetmaganlarning ro'yxatlarda qayd qilingan jinoyatchiligi o'sishi 1995-1996 yillarda 8 foizni tashkil etgan. Agar solishtirib ko'rganda shu vaqt ichida voyaga yetmaganlarning jinoyatchiligi Rossiya Federatsiyasida 20 foizga; Ukrainada 16,8 foizga; Ozarbayjonda 18,1 foizga; Qozog'istonda 14,9 foizga; Turkmanistonda 9 foizga; Belorusiyada 9,8 foizga o'sgan.

**Kalit so'zlar :** Voyaga yetmaganlar, jinoyatchilik, hukm, O'zbekiston, huquqiy madaniyat, hukumat.

O'zbekistonda 2002-yili 50 ming jinoyatchi hukm qilingan bo'lsa, shundan 2 mingdan ortig'i voyaga yetmaganlar bo'lgan, bu 4 foizni tashkil etadi. 1996 yili 51.602 jinoyatchi jazoga hukm qilingan bo'lsa, shundan 2.023 tasini voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi har doim guruh bo'lib sodir etish xususiyatiga ega bo'lgan. Voyaga yetmaganlar tomonidan guruh bo'lib sodir etiladigan jinoyatlarning hissasi katta yoshdagilar tomonidan guruh bo'lib sodir etiladigan shunday jinoyatlarga nisbatan 1,55 marta ko'p va voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etiladigan umumiy jinoyatlarning 20 foizdan 80 foizgachasini tashkil etadi. Muayyan yoshdagilik, ruhiy va boshqa ijobiy yoki salbiy xususiyatdagi guruh huquqining bunday o'ziga xos xususiyatlari chetga chiqish bo'lmay, balki voyaga yetmaganlar uchun xos bo'lgan hulqiy me'yor hisoblanadi. Keyingi yillarda huquqqa hilof bo'lgan xulqli guruhlarning mustahkamlanish jarayoni yuz berganligi kuzatilmogda. Taxminan shunday guruhlarning beshdan uch qismida guruh ishtarakchilari har xil yoshdagilardan iborat bo'lib, bu hol ularning barqarorligini, uzoq muddat mobaynida jinoiy faoliyat olib borishini ta'minlaydi, guruhning qisqa vaqtda bir necha jinoyatlarni amalga oshirish qobiliyatini oshiradi, jinoiy tadbirkorlik bilan, tezkor va qat'iy harakatlar qilishni ta'minlashda muhim omil hisoblanadi.

Jinoiy uyushmalar va uyushgan guruhlar tomonidan o'smirlar guruhini o'zlariga bo'ysundirishning faol jarayoni yuz bermoqda. Ishsiz va mayda tijorat bilan shug'ullanadigan o'smirlar, ozodlikdan mahrum bo'lish joylaridan bo'shab kelgan voyaga yetmaganlar, hayotda o'z o'rnini topolmaganlar, kam ta'minlangan oilalardagi o'smirlar hisobiga bunday guruhlarning ijtimoiy bazasi yanada kengaymoqda. Maxfiy iqtisodiyot va uyushgan jinoyatchilik strukturasi bunday shaxslar faol jalb qilinmoqda. Uyushgan guruh yoki jinoiy uyushma rahbarlari o'zlarining ta'sir doirasiga o'smirlarni ko'proq jalb qiladilar va ulardagi jinoyatchiga xos bo'lgan hulqning shakllanishini diqqat bilan kuzatib boradilar. Jinoyat sodir etilishiga olib keladigan sharoit va sabablar muammosi har qanday kriminologik malakaviy ish ishida u yoki bu darajada o'rganiladi. Chunki bu muammo huquq buzishlarni o'rganuvchi asosiy masala hisoblanadi. O'smirlarning oila tomonidan nazoratsiz qoldirilishi o'quv yoki mehnat jamoasining ta'siridan chiqib qolishi ularda mas'uliyatsizlik, hamma hulqlarni qilaverish mumkinligi hislarini mustahkamlashga sabab bo'ladi. Voyaga yetmaganlarning jinoiy xulqini etnologik o'rganish yuzasidan olib borilgan malakaviy ishlar natijalari shunday xulosaga olib kelmoqdaki, voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini hozirgi davrda oldini olishda e'tibor, eng avvalo, o'smirlar tomonidan jinoiy



jazolanadigan huquq buzishlarning sodir etishi mumkinligining oldini olishga qaratilishi kerak. Jinoyat uchun jazolashga majbur bo'lgandan ko'ra, uning oldini olish uchun barcha chorani ko'rgan afzalroqdir. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi 14 yoshdan 18 yoshga qadar bo'lgan shaxslar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarning yig'indisidir. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi ham umuman jinoyatchilikni vujudga keltiruvchi omillar ta'sirida rivojlanadi. Shu sababdan ham voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini tadqiq etishda kriminologiyaga oid bo'lgan umumiy tavsiflar, ko'rsatkichlar va usullardan foydalaniladi. Shu bilan birga voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining tahlili aynan voyaga yetmaganlar jinoyatchiligiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar va shart-sharoitlarni aniqlashga qaratilishi lozim. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining oldini olishni jinoyat huquqiy choralar vositasida ta'sir ko'rsatish bilan qo'shib olib borish o'sib kelayotgan avlodni ma'naviy sog'lig'ini muhofaza qilishning sharti hisoblanadi. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi respublikamizda so'nggi 2000-yillarda umumiy jinoyatchilikning 3,4%ni tashkil qilib kelmoqda. Ushbu ko'rsatkich 2001-yilda 4,5%ni tashkil etdi.

Jinoyatchilikning oldini olish sub'ektlari, ayniqsa, ichki ishlar organlari har ikkala darajada ham o'zlarining faoliyatini amalga oshiradi. Birinchi darajada ular oilada, maktabda va boshqa o'quv muassasalarida: mehnat jamoalarida, yashash joylarida va boshqa ijtimoiy sohalarda shaxsning ma'naviy shakllanishiga salbiy ta'sir qiluvchi sharoitlarni aniqlash va ularni bartaraf qilish, ta'sirini susaytirish va to'siqlash o'rnatish bo'yicha chora – tadbirlarini amalga oshiradi. Ikkinchi darajada esa ichki ishlar idoralari asosan shaxsdagi salbiy ma'naviy xususiyatlarni muayyan jinoiy xatti xarakatda namoyon bo'lishiga ko'maklashuvchi krimonogen vaziyatlarni vujudga kelishini oldini olish, ularni o'z vaqtida aniqlash va kuchsizlantirish chora – tadbirlarni amalga oshiradi.

Bundan tashqari, voyaga yetmaganlar jinoyatlarini individual oldini olish faoliyatini huquqiy tartibga soluvchi qonun hujjatlari orasida voyaga yetmaganlarning ilk huquqbuzarliklari uchun, farzandlarining tarbiyasiga salbiy ta'sir etayotgan ota-onalar, ularning o'rnini bosuvchi shaxslarning javobgarligini belgilovchi normalar ham tahlil, qilingan. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 14-moddasi (voyaga yetmaganlar javobgarligi), 30-moddasi (Ma'muriy jazo ko'llashning umumiy qoidalari), 247-modda (Voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha komissiyalarning vakolatlari)ga 14 ham tegishli o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida takliflar ishlab chiqilgan. Yoshlar va o'smirlar orasida profilaktik chora-tadbirlarni takomillashtirishda tashkiliy tadbirlar, voyaga yetmaganlar o'rtasidagi huquqbuzarlik va jinoyatchilikning kelib chiqish sabablarini o'rganish hamda uning oldini olishga qaratilgan tadbirlar, ichki ishlar idoralarining VEOHOOB, hokimliklar tarkibidagi voyaga yetmaganlar ishi bilan shug'ullanuvchi komissiyalar faoliyatini takomillashtirishga doir tadbirlar, diniy ekstremist va terrorchi jinoiy guruhlar ta'siriga tushib qolish holatlarining oldini olishga qaratilgan profshaktik chora-tadbirlar belgilash etiborga molik. Voyaga yetmaganlar nazoratsizligi va huquqbuzarliklarining oldini olishga doir faoliyat munosabati bilan yuzaga keladigan huquqiy tartibga solishning asoslarini belgilovchi qonun loyihasini ishlab chiqishni taklif etish kerak. Ushbu qonun nazoratsiz, qarovsiz, ijtimoiy jihatdan xavfli holatda bo'lgan voyaga yetmagan, ijtimoiy jihatdan xavfli holatda bo'lgan oila tushunchalari berilishi bilan bir qatorda voyaga yetmaganlar qarovsizligi va huquqbuzarliklarining oldini olishga doir faoliyatning asosiy vazifalari, printsiplari va sub'ektlari hamda ushbu sub'ektlar faoliyatining asosiy yo'nalishlarini belgilab beradi. Fikrimizcha, taklif etiladigan qonun loyihasida, voyaga yetmaganlarning nazoratsizligi va huquqbuzarliklarining oldini olishga doir faoliyatning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat bo'lishi kerak:

- voyaga yetmaganlarning nazoratsizligi, qarovsizliga, huquqbuzarliklari va jamiyat uchun zararli bo'lgan xatti-harakatlarining oldini olish, bunday holatning sodir etilish sabablari va unga imkon bergan sharoitlarni aniqlash hamda bartaraf etish;

- voyaga yetmaganlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilinishini ta'minlash;

- ijtimoiy xavfli holatda bo'lgan voyaga yetmaganlarni ijtimoiy-pedagogik rehabilitatsiya qilish;

- voyaga yetmaganlarning jinoyatlar hamda jamiyat uchun zararli xatti harakatlar sodir etishga jalb qilinishi hollarini aniqlash va bartaraf etish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati :

1. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar (Maxsus qism) -T.: "Ilmi ziyo",, 2006 yil.

2. M.X.Rustamboev, Tohirov.F Jinoyat huquqi (Umumiy qism sxemalar). O'quv qshllanma. - T.: Yangi asr avlodi 2002 yil.

3. M.X.Rustamboev, Tohirov.F, Erkahodjaev.A.K Jinoyat huquqi (Maxsus qism) Darslik. - T.: Iqtisodiyot va huquq dunyosi 2000 yil



## ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ КАК ОДИН ИЗ СПОСОБОВ «УМНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ»

*Мукумов Б.М*

*преподаватель кафедры*

*«Право интеллектуальной собственности»*

*Ташкентского государственного юридического университета*

*btiqumov@gmail.com\_98 115 88 92*

**Аннотация:** В данной статье проанализирован опыт стран в сфере внедрения института оценки регулирующего воздействия, а также перспективы развития данного института в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** нормотворчество, оценка регулирующего воздействия, модель «умного регулирования».

В Республике Узбекистан в последние годы реализуются меры, направленные на укрепление основ государственного и общественного строительства, развитие рыночной экономики, дальнейшую демократизацию судебной-правовой системы, а также усиление социальной защиты населения и улучшение благосостояния граждан.

Необходимо отметить, что практические меры, связанные с системным изменением в нормотворчестве, приводят к резкому увеличению количества нормативно-правовых актов, а это, в свою очередь, к сложностям их понимания и применения, а также различному толкованию, что, в конечном счёте, приводит к зарегулированию и бюрократии.

Реформы, осуществляемые в сфере нормотворчества, требуют разработки качественно нового подхода, который позволяет исключить устаревшие и утратившие свою актуальность приёмы и методы законодательской деятельности.

Такой подход должен включать в себя систематическую разработку и применение регуляторных полномочий институтов государства. Под этим понимается открытость в сфере регуляторной политики, гибкость и использование подходов, ориентированных на результат, а также либерализация данных правоотношений.

В такой ситуации, одним из действенных мер по устранению излишних бюрократических процедур, снижению регуляторного бремени, прежде всего, на предпринимательскую деятельность, является разработка совершенно нового, основанного на положительном опыте зарубежных стран механизма регулирования правоотношений в сфере нормотворчества.

Положительный опыт стран с развитой экономикой показывает, что именно оценка регулирующего воздействия (ОРВ) является одним из наиболее значимых механизмов, используемых в сфере нормотворчества.

Как указывает Д.Б.Цыганков, в странах ОСЭР институт ОРВ является основным элементом системы «умного регулирования», включающее также интеграцию сопричастных лиц в процесс принятия и реализации решений<sup>1</sup>.

Говоря об институте ОРВ, представляется необходимым определить сущность и правовую природу данного института.

В юридической литературе существуют различные подходы определения понятия ОРВ. В частности, в одних источниках ОРВ рассматривается как механизм, призванный снизить административные барьеры для бизнеса, повысить эффективность принятия законодательных актов и улучшить тем самым инвестиционную привлекательность того или иного региона<sup>2</sup>.

В других источниках, ОРВ представляется как процедура по выявлению основных проблем и целей предлагаемых норм регулирования, идентификации и оценки основных

<sup>1</sup> Центр оценки регулирующего воздействия [Электронный ресурс]. URL:<http://ria-center.hse.ru> (дата обращения: 01.10.2020)

<sup>2</sup> Оценка регулирующего воздействия [Электронный ресурс] [urlhttps://mert.tatarstan.ru/Assessment\\_of\\_regulating\\_influence.htm](https://mert.tatarstan.ru/Assessment_of_regulating_influence.htm).



альтернатив достижения целей для принятия управленческих решений<sup>1</sup>.

Исходя из вышеизложенного следует, что основной задачей ОРВ является оценивание рисков, выявление и анализ позитивных и негативных моментов от принятия нормативно-правовых актов и предложение альтернативных вариантов правового регулирования.

Следовательно, ОРВ можно определить как инструмент правового мониторинга, целью которого является оценка негативного воздействия актов законодательства на бизнес, конкуренцию, окружающую среду, а также выбор оптимальной модели правового регулирования.

При изучении зарубежного опыта в сфере ОРВ выяснилось, что 70-80 гг. XX века стали периодом, когда система ОРВ вышла на новый этап. В правоприменительной практике начали внедряться совершенно новые подходы государственного управления. Конечной целью этих реформ является переход к процессу «меньшего регулирования»<sup>2</sup>.

В этот период в таких странах как Япония и Корея основной регуляторной проблемой было чрезмерное регулирование и государственное вмешательство в экономику, основной акцент был сделан на снижении экономической роли государства посредством «дерегулирования».

В Голландии, которая переориентировала корпоративистское государство на более рыночные отношения, регуляторная сфера была сфокусирована на государственном консультировании и снижении административного бремени

В США, где существовало относительно небольшое количество барьеров для вхождения в большинство секторов экономики, но имела место дорогостоящая федеральная регуляторная структура в сфере социальной политики, акцент был сделан на повышении качества регулирования с помощью жесткого применения принципа «соотношения размеров выгоды и затрат»<sup>3</sup>.

Опыт вышеприведенных стран показывает, что они прошли относительно нелегкий путь внедрения системы ОРВ. На начальном этапе внедрения данной системы необходимо было перейти к процессу «дерегулирования»

Со временем идея «дерегулирование» трансформировалась в идею «лучшего регулирования», а от анализа издержек малого и среднего бизнеса эти страны перешли к комплексному анализу издержек и выгод в экономическом, экологическом и социальном аспектах<sup>4</sup>.

Современная правоприменительная практика свидетельствует о том, что настоящее время принципиальным вопросом является переход к модели «умного регулирования».

Необходимо отметить, в Республике Узбекистан в данном направлении предпринимаются значимые шаги.

В этой связи Указ Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года № УП-5505 «Об утверждении концепции совершенствования нормотворческой деятельности» является основанием для формирования систематизированной законодательной базы, совершенствования правового обеспечения осуществляемых реформ в Республике Узбекистан.

Данный документ предусматривает разработку в республике элементов модели «**умного регулирования**», который предусматривает внедрение положительно апробированной в зарубежных странах системы проведения обязательной оценки регуляторного воздействия проектов нормативно-правовых актов, предполагающий анализ проблем, способов ее решения, воздействия на конкуренцию, прогнозирование и оценку возможных последствий введения новых инструментов и порядка регулирования, в том числе анализ выгод и издержек для граждан и субъектов предпринимательства.

Как указано в вышеприведенном документе, **«внедрение новой системы в сфере нормотворчества направлено на совершенствование правового обеспечения осуществляемых реформ, а также формирование систематизированной законодательной базы,**

<sup>1</sup> Что такое оценка регулирующего воздействия? [Электронный ресурс]. URL: <http://sroportal.ru/publications/chto-takoe-ocenka-reguliruyushhego-vozdeystviya/>

<sup>2</sup> Что такое оценка регулирующего воздействия? [Электронный ресурс]. URL: <http://sroportal.ru/publications/chto-takoe-ocenka-reguliruyushhego-vozdeystviya/> (дата обращения: 01.10.2020)

<sup>3</sup> Мальшев Н. Эволюция регуляторной политики в странах-членах ОЭСР // OECD : official site. – URL : <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/42051724.doc> (дата обращения 01.11.2020).

<sup>4</sup> Мальшев Н. Эволюция регуляторной политики в странах-членах ОЭСР // OECD : official site. – URL : <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/42051724.doc> (дата обращения 01.11.2020).



способствующего всесторонне обеспечить защиту прав, свобод и законных интересов граждан, защиты и поддержки субъектов предпринимательства, полноценный учет их мнений и всестороннюю реализацию принципа «Интересы человека — превыше всего»<sup>1</sup>.

В связи с этим, введение модели «умного регулирования» является важнейшим шагом в совершенствовании законодательства, сокращении количества некачественных нормативных актов, а также эффективной защите прав и законных интересов физических и юридических лиц.

#### Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года № УП–5505 «Об утверждении концепции совершенствования нормотворческой деятельности».
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 27 сентября 2020г., №УП-6075 «О мерах по улучшению деловой среды в стране путем внедрения системы пересмотра утративших свою актуальность актов законодательства».
3. Малышев Н. Эволюция регуляторной политики в странах-членах ОЭСР // OECD : official site. – URL : <https://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/42051724.doc>.
4. Что такое оценка регулирующего воздействия? [Электронный ресурс] URL:<http://sroportal.ru/publications/chto-takoe-ocenka-reguliruyushhego-vozdjstviya/>.
5. Оценка регулирующего воздействия [Электронный ресурс] url[https://mert.tatarstan.ru/Assessment\\_of\\_regulating\\_influence.htm](https://mert.tatarstan.ru/Assessment_of_regulating_influence.htm).
6. Центр оценки регулирующего воздействия [Электронный ресурс] URL:<http://ria-center.hse.ru>.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года, № УП–5505 «Об утверждении концепции совершенствования нормотворческой деятельности».



## ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ФАО АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШИ: АСАЛАРИЧИЛИК АСЛ ҚУВВАТ МАНБАИ СИФАТИДА.

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
Мустақил изланувчиси Азиза Ходжаева.  
+998977559028*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти)нинг асаларичилик соҳасидаги фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида асаларичилик соҳасини тарғиб қилиш ва ривожлантириш ҳамда амалдаги конунчилигида кўзда тутилган бошқа масалалари билан танишасиз.

**Калит сўзлар:** ФАО, Асаларичилик Уюшмаси, асаларичилик фермер хўжалиги, инфекция касалликлар ва уларни даволаш, асаларичиликда кампютер технологиясидан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг афзаликлари.

Бизга маълумки, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ФАО ҳар йили 20 майда халқаро асаларичилар кунини нишонлаб келмоқда. Асалариларга иқлим ўзгариши, интенсив деҳқончилик, зараркунандаларга қарши курашиш, биологик хилма-хилликни йўқотиш ва ифлосланиш катта хавф туғдирмоқда», дейди ФАО бош директори Хосе Грациано да Силва.

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг ажралмас, муҳим тармоғи бўлиб, асалари оилаларини қупайтириш, асал муми гулчанги ва бошқа асаларичилик маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглангириб ҳосилдорликни ошириш ва мева, ре-заворлар ҳосили сифатини яхшилаш билан бир қаторда уруғчилик хўжаликларидида уруғлик унумли ва сифатли бўлишида асалариларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Инсоният бор экан, асаларилар етиштирган асал маҳсулотига бўлган талаб ва эҳтиёж кундан-кунга ошиб бораверади. Ҳозир ҳар бир соҳада: яъни саноат, қандолат фабрикалари, тиббиёт соҳасида, асалариларнинг мум маҳсулотларидан фойдаланилмоқда.

Шунинг учун ҳам асаларичилик доимо чорвачиликка нисбатан даромадли тармоқ бўлиб келаётир.

Мамлакатимизнинг аграр соҳаси мустақилликдан кейин олиб борилган иқтисодий ислохотлар туфайли мутлақо янгидан ташкил топди. Хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари ўзгарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, асосан, нодавлат сектори зиммасига юкланди. Аграр тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш барқарор ўсиб бормоқда. Хўжалик юритиш шакллари танлашда фермер хўжаликлари ҳар тарафлама афзаллигини кўрсатди ва улар бугунги кунда асосий хўжалик юритиш шакли бўлиб қолди. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг асосий юки фермерлар зиммасига тушмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш ва қупайтиришга катта зътибор берилиб келмоқда. Асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрь, ПҚ-3327-сонли “Республикамизда Асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қонун ҳужжатида, асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадида татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»нинг “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи ушбу соҳага бўлган этиборнинг янада қупайтирилаётганлигидан далилдир.

Куйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган:

-асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани иш-



лаб чиқишда иштирок этиш;

-асаларичилик тармоғини ривожлантириш дастурларини амалга оширишни мувофиқлаштириш, ягона илмий-техника, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

-махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда асаларичилик хўжалиklarини ўрмон фонди ерларига, тоғ ва тоғолди худудларига, табиий пичанзор ва яйловларга ҳамда кишлоқ хўжалиги ерларига жойлаштиришни амалга ошириш;

-асаларилар учун сунъий озукалар ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш ва ушбу тажрибани кенг қўллаш ҳисобига асаларичилик хўжалиklarининг озукка базасини мустаҳкамлаш;

-асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усулларни жорий этиш ишларига кўмаклашиш; олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, шу жумладан хорижий муассасаларда асаларичилик тармоғига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш каби масалаларнинг белгиланганлиги ва бугунги кунда ўз исботини топаётгани сўзимизнинг исботи сифатида кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, 2017 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси тўғрисидаги Низом ҳамда Президентимиз томонидан бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг мустаҳкамланганлиги асаларичиликка бўлган этиборнинг четда қолмаётганининг яна бир исботидир.

Ҳозирги замон аграр секторни комплекс ривожлантириш асаларичилик тармоғини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун асаларичилик тармоғидаги ҳамкор корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда катта ҳажмдаги ахборотлар мажмуи зарур бўлади. Чунки асаларичилик тармоғидаги барча агротехник жараёнларни амалга ошириш учун зарурий қарорлар қабул қилишда ахборотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш зарурати вужудга келади. Асаларичилик мураккаб тармоқ бўлиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда қатор ҳамкор корхоналар ва бошқа инфратузилмалар ўз профессионал вазифалари бўйича иштирок этади.

Шу боисдан бунда бошқарув қарорлари жамоа демократияси ва ўзини ўзи бошқариш принципи асосида ишлаб чиқаришда иштирок этаётган барча корхоналарнинг қарор қабул қилишда қатнашувида амалга ошади. Ўзини ўзи бошқариш асосида ишлаб чиқариш кучларининг бирлаштирилиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади. Ҳар бир мураккаб қарорларни қабул қилиш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) мақсадни аниқлаш, муаммони тушуниш ва керакли ахборотни йиғиш;
- 2) йиғилган ахборотни классификация қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, яъни ахборотни қайта ишлаш;
- 3) қарорларнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;
- 4) вариантларни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш;
- 5) охирги ва оптимал вариантни қабул қилиш;
- 6) ҳар бир қарорни керакли шаклда ҳужжатлаштириш;
- 7) қарорнинг ижрочига қўйилиши;
- 8) қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил қилиш;
- 9) қарорлар бажарилишининг назорати ва ҳисоби.

Бозор иқтисодиётининг мураккаб ва тез ўзгарувчан шароитида юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув ходимлари қулай, самарали ахборот тизимлари ҳамда технологиялардан фойдаланишга зарурат сезади. Чунки айнан шу нарса ишни осонлаштиради, вақтнинг режалаштиришга имкон беради.

Республикамиз флорасидаги 85–90 % ёввойи ва маданий ўсимликлар фақатгина асаларилар ёрдамида чангланади. Бу эса, ўз навбатида, табиатнинг бир бўлагини келажак авлод учун сақлаб қолишга, атмосферани кислород билан бойитишга, экологияни яхшилашга ҳамда инсон саломатлигини мустаҳкамлашда зарур ва ноёб бўлган тиббиёт маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, халқимиз дастурхонини қимматбаҳо асал билан таъминлашга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрь, ПҚ-3327-сонли “Республикамизда Асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
4. 2017 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси тўғрисидаги Низом.
5. Р.Х.Пулатова. “ASALARICHILIK FERMER XO‘JALIKLARINI TASHKIL ETISH VA YURITISH” Тошкент.2016 й. (89-91бетлар).
6. [www/fao/org](http://www/fao/org) расмий сайтидан.
7. <https://uz.beekeepers.uz/> расмий сайтидан.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(1-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---